

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ АМИРИДДИН СУВОНОВИЧ

**ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАР БИЛАН ТИББИЙ-ПРОФИЛАКТИК
МУАССАСАЛАРДАН КЕЛТИРИЛГАН МУРДАЛАР СУД-ТИББИЙ
ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

14.00.24 – Суд тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Умаров Амириддин Сувонович

Қўшма жароҳатлар билан тиббий-профилактик
муассасалардан келтирилган мурдалар
суд-тиббий экспертизасининг услубий асослари..... 3

Умаров Амириддин Сувонович

Методологические основы судебно-медицинской
экспертизы трупов с сочетанной травмой, поступивших
из лечебно-профилактических учреждений..... 23

Umarov Amiriddin Suvonovich

Medical-prophylactic with joint injuries
corpses brought from institutions are forensic
methodological bases of expertise..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ АМИРИДДИН СУВОНОВИЧ

**ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАР БИЛАН ТИББИЙ-ПРОФИЛАКТИК
МУАССАСАЛАРДАН КЕЛТИРИЛГАН МУРДАЛАР СУД-ТИББИЙ
ЭКСПЕРТИЗАСИНING УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

14.00.24 – Суд тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2021.4.PhD/Tib2296 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-соҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Индиаминов Сайит

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гиясов Зайнитдин Асамутдинович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нишанов Данияр Анарбаевич

тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Қозон давлат тиббиёт университети

(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2., Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99878) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2023 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда замонавий кўшма ва кўп сонли жароҳатланишлар тарқалганлиги, ўлим ва ногиронликнинг юқори кўрсаткичлари, биринчи навбатда энг меҳнатга лаёқатли 18-49 ёшдаги инсонларда кузатилаётганлиги, жароҳатланганларга шошилиш, ихтисослаштирилган ҳамда реабилитация тиббий ёрдам кўрсатишда жуда кўп миқдорда иқтисодий харажатлар сарфланаётганлиги билан тавсифланади. Кўшма жароҳатларнинг оғирлик даражаси ва мураккаблиги, жабрланганларга эрта ташхис қўйиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек жароҳатларнинг олдини олиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Кўшма жароҳатланишларда ўлим сабаби ва травматик касаллик танатогенезини аниқлаш, айниқса тиббий ва диагностика тадбирларидан сўнг, жиддий қийинчиликларни туғдиради. Негаки, кўшма шикастланишнинг ўлимга олиб келадиган оқибати, нафақат травма ва унинг асоратлари, балки реанимация, жарроҳлик амалиёти асоратлари, диагностика ва даволаш жараёнида йўл қўйилган нуксонлар, шунингдек соматик касалликларнинг кўзғалиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Кўшма жароҳатланишларни эрта ташхислаш, юқори технологик усуллардан фойдаланган ҳолда даволашни амалга ошириш ва шикаст механизмини, соғлиқка етказилган зарарнинг оғирлигини, ўлим сабабларини ҳамда жароҳатланган беморлар тиббий муассасаларда вафот этган ҳолатларда тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуксонларни аниқлаш ҳолатлари долзарб масалалар бўлиб қолмоқда. Шунга кўра, кўшма жароҳатлар билан тиббий-профилактик муассасалардан келтирилган мурдалар суд-тиббий экспертизасининг ўзига хос услубий асосларини такомиллаштириш суд тиббиётининг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда кўшма жароҳатлар билан тиббий-профилактик муассасалардан келтирилган мурдалар суд-тиббий экспертизасининг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада кўшма жароҳатланишлар оқибатида тиббиёт муассасаларида кузатилган ўлим ҳолатларида шикастларнинг кўлами, тури, кечув жиҳатлари ва асоратларини, кўшма жароҳатлардан жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ реанимация, жарроҳлик аралашувлари ва интенсив терапиянинг ятроген асоратлари хусусиятларини, тиббий ёрдам кўрсатишда йўл қўйилган нуксонлар ва уларнинг травматик касаллик кечувига таъсир жиҳатларини, ташхислаш ва даволаш муолажаларидан сўнг кўшма шикастланишлар механизмини, ўлимнинг бевосита сабабларини ва танатогенезни баҳолаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга

қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, қўшма жароҳатлар билан тиббий профилактик муассасалардан келтирилган мурдалар суд-тиббий экспертизасининг услубий асосларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985 «Шошилич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4049-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жарроҳлик ёки бошқа тиббий диагностикадир тадбирлардан сўнг, қўшма жароҳатлардан вафот этган шахслар ўлими билан боғлиқ суд-тиббий экспертиза жараёни алоҳида услубий ёндашувни талаб қилади. Жасадни текширишни бошлашдан олдин, тиббий ҳужжатларни синчиковлик билан атрофлича ўрганиш лозим, аммо тиббий ҳужжатлардаги ёзувлар танқидий муносабатни талаб қилади, чунки тақдим этилган маълумотлар етарли эмас ёки бўрттирилган бўлиши мумкин. Қўшма ва кўп сонли жароҳатларнинг травманинг тиббиёт муассасаларида ўлимга олиб келадиган оқибатларининг ушбу суд-тиббий жиҳатлари бугунги кунгача етарлича ўрганилмаган (Ривинсон М.С. ва бошқ., 2011; Максимов А.В., 2013; Налетова Д.М., 2018; ва бошқ.).

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Аввалги йилларда нашр қилинган айрим ўқув ва илмий адабиётларда тиббиёт муассасаларидан келтирилган марҳумлар жасадларни текшириш масалалари ҳақида фақат умумий мълумотлар берилган (М.И. Авдеев 1975; Н.К. Пермяков, 1985). Аммо, диагностик ва жаррохлик ҳамда реанимацион аралашувлар билан боғлиқ қўшма жароҳатларда жасадларни суд-тиббий экспертизадан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича деярли ҳеч қандай тавсиялар мавжуд эмас. Бундай ҳолатларда жасадларни текшириш усуллари амалдаги қоидалар ва стандартларга ҳам киритилмаган.

Ўзбекистонда кейинги йилларда қорин бўшлиғи ва қорин орти бўшлиқлари аъзоларининг тўмтоқ механик воситалардан шикастланиши (Хван О.И., 2017), бош тузилмалари ва умуртқа поғонасининг қўшма шикастланиши (Исмоилов Р.А., 2021), автомобил ҳалокатларида шикастланишлар суд-тиббий жиҳатларини ўрнатишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар олиб борилган (Шойимов Ш.У., 2021; Гамидов С.Ш., 2022), бироқ, қўшма жароҳатлар билан тиббий-профилактик муассасалардан келтирилган мурдалар суд-тиббий экспертизасининг услубий асослари такомиллаштирилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қўшма жароҳатланишлар оқибатида тиббиёт муассасаларида кузатилган ўлим ҳолатларида шикастларнинг тури, кечув жиҳатлари ва асоратларини баҳолаш, жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ реанимация, жаррохлик аралашувлари ва интенсив терапиянинг ятроген асоратлари хусусиятларини билиш, қўшма жароҳатлар олган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишда йўл қўйилган нуқсонларни ташхисий ва даволаш муолажаларидан сўнг қўшма шикастланишлар механизми, ўлимнинг бевосита сабаблари ва танатогенезини баҳолаш борасида ўтказилган суд-тиббий ҳулосаларининг асослаш мавзунинг долзарблигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03.191-01980006703 «Ўсмалар, хирургик касалликлар ва травмаларни олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий технологияларини яратиш ва амалиётга жорий этиш» (2018-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қўшма жароҳатланишлар оқибатида даволаш-профилактик муассасаларда қайд этилган ўлим ҳолатларига доир суд-тиббий экспертизаларда ўлим сабаби, жароҳатлар механизми ва танатогенезни асослашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қўшма жароҳатланишлар оқибатида тиббиёт муассасаларида кузатилган ўлим ҳолатларида шикастларнинг кўлами, тури, кечув жиҳатлари ва асоратларини баҳолаш;

қўшма жароҳатлардан жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ реанимация, жарроҳлик аралашувлари ва интенсив терапиянинг ятроген асоратлари хусусиятларини ва уларнинг травматик касаллик кечувига таъсир жиҳатларини баҳолаш;

қўшма жароҳатлар олган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишда йўл қўйилган нуқсонлар ва уларнинг травматик касаллик кечувига таъсир жиҳатларини баҳолаш;

диагностик ва даволаш муолажаларидан сўнг қўшма шикастланишлар механизмини, ўлимнинг бевосита сабабларини ва танатогенезини баҳолаш борасида ўтказилган суд-тиббий хулосаларининг асосланганлик даражасини баҳолаш;

қўшма жароҳатланишлар оқибатида тиббиёт муассасаларида вафот этган шахслар ўлим сабабларини, шикастланиш механизми ва танатогенезини асослаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қўшма жароҳатлар натижасида вафот этган шахсларнинг жасадлари, тиббий хужжатлар, қўшимча-лаборатория, суд-гистологик, суд-тиббий экспертиза хулосалари, комиссиян экспертизалар хулосалари, иш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қўшма жароҳатлар билан тиббий-профилактик муассасалардан келтирилган мурдалар аъзо ва тўқималаридаги жароҳатлар ҳамда диагностик ва даволаш муолажалари билан боғлиқ ятроген шикастлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўшма жароҳатлар билан тиббий-профилактик муассасалардан келтирилган мурдалар суд-тиббий экспертизасининг услубий асосларини такомиллаштиришда клиник, лаборатор, морфологик, тасвирлаш, таққослаш ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қўшма жароҳатланишлар ҳолатларида жарроҳлик, реанимацион ва интенсив даво муолажалари жараёнида беморлар тўқима ва аъзоларга етказиладиган ятроген асоратларнинг кўринишлари аниқланган ҳамда уларнинг травматик касаллик кечувига салбий таъсир жиҳатлари асосланган;

қўшма жароҳатланишларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишда йўл қўйилган диагностик ва даволаш нуқсонларининг тури ва моҳияти аниқланган ҳолда уларнинг травматик касаллик ноҳуш оқибатларига таъсир жиҳатлари исботланган;

қўшма жароҳатланишлардан тиббиёт муассасаларида вафот этган шахслар ўлимига доир суд-тиббий экспертизалар жараёнида ўлим сабабларини, травматик касаллик танатогенезни ва шикаст механизмини асослаш борасида йўл қўйилган нуқсонлар жиҳатлари аниқланган;

жарроҳлик, реанимация ва интенсив даво муолажалари билан боғлиқ ятроген асоратлар ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлар ва полиорган зарарланишлар жиҳатларини аниқлаш орқали қўшма

жароҳатларда ўлим сабабини, жароҳатлар механизми ва танатогенезини асослашни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари асосида тиббий муассасаларда қўшма жароҳатдан вафот этган шахслар ўлим ҳолатларига доир суд-тиббий экспертизасини ташкил этиш тартиби белгиланган;

қўшма жароҳатларда шикастланиш механизми, ўлим сабаби ва травматик касалликнинг танатогенезни асослашга имкон яратган;

қўшма травмаларда турли тузилмаларга етказилган зарарланиш табиати ва қўлами ҳамда уларнинг асоратлари клиник амалиётда беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга асос бўлган;

қўшма жароҳатланишлар келиб чиқишига доир аниқланган ҳолатлар асосида травматизмни камайтириш бўйича профилактика чоралар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатор, морфологик, тасвирлаш, таққослаш ва статистик усуллар асосида қўшма жароҳатлар билан тиббий-профилактик муассасалардан келтирилган мурдалар суд-тиббий экспертизасининг услубий асосларини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қўшма жароҳатланишлардан шифохоналарда вафот этган шахслар суд-тиббий экспертизаси жарёнида ўлимнинг сабаблари, шикастланиш механизми, травматик касаллик танатогенезни асослашни такомиллаштиришнинг методологик асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўшма жароҳатлар билан тиббий-профилактик муассасалардан келтирилган мурдалар суд-тиббий экспертизасига доир ишлаб чиқилган услубий асослар экспертлик амалиётига жорий этилиши натижасида суд-тиббий экспертизалар сифатини ошириш, экспертиза хулосаларининг ишончлилиги таъминлаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд давлат тиббиёт университети мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 29 майдаги 13-сон хулосасига кўра (илмий янгиликнинг бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2022 йил 21 октябрдаги 3770-сонли хати тақдим этилган):

қўшма жароҳатланишлар ҳолатларида жаррохлик, реанимацион ва интенсив даво муолажалари жараёнида беморлар тўқима ва аъзоларга етказилмаган ятроген асоратларнинг кўринишлари аниқланган ҳамда уларнинг травматик касаллик кечувига салбий таъсир жиҳатлари асослангани Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази бўйича (25.05.2023 й.; № 039/АФ/2023) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган алгоритмлар ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш, қўшма жароҳатланишдан тиббий профилактик муассасаларда вафот этган шахслар ўлим сабабларини асослаш ва танатогенезни баҳолаш сифатини яхшилаган ҳамда хулосалар асосланганлигини таъминлаган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қўшма жароҳатланишдан тиббий профилактик муассасаларда вафот этган шахслар ўлим сабабларини асослашда таклиф этилган услубий ёндашув қўлланилганда тадқиқотга талаб этиладиган вақт 5,2 кундан 2,5 кунгача қисқариш ҳисобига иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: таклиф этилган алгоритмлар ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш, тиббий муассасаларда қўшма жароҳатдан вафот этган шахслар ўлим ҳолатларига доир суд-тиббий экспертизасини ташкил этиш ва ўтказишга сарфланадиган вақт 2 мартаба қисқартириб, 1 ҳолат ҳисобига бюджет маблағларини 225 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

қўшма жароҳатланишларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишда йўл қўйилган диагностик ва даволаш нуқсонларининг тури ва моҳияти аниқланган ҳолда уларнинг травматик касаллик ноҳуш оқибатларига таъсир натижалари исботлангани Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази бўйича (25.05.2023 й.; № 039/АФ/2023) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган алгоритмлар ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш, қўшма жароҳатланишдан тиббий профилактик муассасаларда вафот этган шахслар ўлим сабабларини асослаш ва танатогенезини баҳолаш сифатини яхшилаш ҳамда хулосалар асосланганлигини таъминланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қўшма жароҳатланишдан тиббий-профилактик муассасаларда вафот этган шахслар ўлим сабабларини асослашда таклиф этилган услубий ёндашув қўлланилганда тадқиқотга талаб этиладиган вақт 5,2 кундан 2,5 кунгача қисқариш ҳисобига иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: таклиф этилган алгоритмлар ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш, тиббий муассасаларда қўшма жароҳатдан вафот этган шахслар ўлим ҳолатларига доир суд-тиббий экспертизасини ташкил этиш ва ўтказишга сарфланадиган вақт 2 мартаба қисқартириб, 1 ҳолат ҳисобига бюджет маблағларини 225 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

қўшма жароҳатланишлардан тиббиёт муассасаларида вафот этган шахслар ўлимига доир суд-тиббий экспертизалар жараёнида ўлим сабабларини, травматик касаллик танатогенезни ва шикаст механизминини

асослаш борасида йўл қўйилган нуқсонлар жиҳатлари аниқлангани Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази бўйича (25.05.2023 й.; № 039/АФ/2023) буйруқ билан барча худудий филиалларида амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ишлаб чиқилган услубий асослардан фойдланиш суд-тиббий экспертизалар сифатини ошириш, шифокорлар ва экспертларнинг касбий хатоликларини баҳолаш орқали экспертиза хулосаларининг ишончилиги таъминланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қўшма жароҳатланишдан тиббий профилактик муассасаларда вафот этган шахслар ўлим сабабларини асослашда таклиф этилган услубий ёндашув қўлланилганда тадқиқотга талаб этиладиган вақт 5,2 кундан 2,5 кунгача қисқариш ҳисобига иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: қўшма травмаларда турли тузилмаларга етказилган зарарланиш табиати ва кўлами ҳамда уларнинг асоратлари клиник амалиётда беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилиб, битта суд-тиббий экспертизаси ҳисобига бюджет маблағларини 175000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

жарроҳлик, реанимация ва интенсив даво муолажалари билан боғлиқ ятроген асоратлар ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлар ва полиорган зарарланишлар жиҳатларини аниқлаш орқали қўшма жароҳатларда ўлим сабабини, жароҳатлар механизми ва танатогенезини асослашни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази бўйича (25.05.2023 й.; № 039/АФ/2023) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқилган услубий асослардан фойдаланиши суд тиббий экспертизалар сифатини ошириш, клиницист врачлар ва экспертларнинг касбий хатоликларнинг баҳолаш ва уни самарадорлигини ошириш орқали экспертиза хулосаларининг ишончилиги таъминланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган услубий ёндашув қўлланилганда тадқиқотга талаб этиладиган вақт 5,2 кундан 2,5 кунгача қисқариш ҳисобига иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: травматик касаллик танатогенезни асослашни такомиллаштириш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилиб, 1 тадқиқот ҳисобига бюджет маблағларини 175000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та

мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Замонавий қўшма жароҳатларнинг суд-тиббий экспертизасининг муаммоли жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида қўшма жароҳатланишларнинг назарий томонлари таҳлил қилинган ва бу борадаги хорижий ва маҳаллий адабиётлар тизимлаштирилган. Ижтимоий ва суд-тиббий жиҳатлари бўйича маълумотларнинг батафсил таҳлили натижалари келтирилган. Ўлим сабаби, ташхисоти ва даволаш аралашувларидан сўнг травма механизми ва танатогенезини асослари жиҳатларини ўрганиш даражасининг етарли эмаслиги кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Қўшма жароҳатлар билан тиббий-профилактик муассасалардан келтирилган мурдалар суд-тиббий экспертизасининг услубий асосларини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи боби 3 та кичик бўлимдан иборат бўлиб, материалларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари ва статистик таҳлилни ўз ичига олади. Тадқиқотлар қуйидаги материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ўтказилди: 1-тиббий маълумотлар, лаборатория ва қўшимча текширувлар натижалари, шунингдек, қўшма жароҳатлардан вафот этган 434 нафар шахслар ўлим ҳолатларига доир (СТЭ) суд-тиббий экспертиза хулосалари; 2- сўнгги 10 йил давомида РСТЭИАМ Самарқанд филиалида қўшма жароҳатлардан ўлим ҳолатларига доир СТЭ материаллари; 3- 2020-2021 йиллар давомида РСТЭИАМ ҳудудий филиалларида қўшма жароҳатланишлар билан тиббиёт муассасаларида вафот этган 57 нафар шахслар ўлими бўйича ўтказилган комиссия СТЭ хулосалари.

Тиббий муассаларда қўшма жароҳатлардан (ҚЖ) вафот этган 434 нафар шахсларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган

1-жадвал

Тиббий муассасаларда кўшма жароҳатлардан вафот этган шахсларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимооти

Тартиб рақами	Ёш тоифалари	Эркак	Аёл	абс	%
1	07-13	30	17	47	10,8%
2	14-17	8	2	10	2,3%
3	18-44	201	11	214	49,3%
4	45-59	50	39	89	20,5%
5	60-74	30		56	12,9%
6	75-78	10	8	187	4,1%
	Жами	331	103	434	100 %

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ҚЖдан вафот этганларнинг энг кўпини меҳнатга лаёқатли (76%) - 18 ёшдан 60 ёшдаги эркаклар (69,8%) ташкил этади.

ҚЖ билан жабрланган беморлар туман марказий (43,5%), шаҳар касалхоналари (14,5%), РШТТЁМнинг ҳудудий филиаллари (36,9%), кўп тармоқли вилоят касалхоналари (1,2%) ва бошқа тиббиёт муассасалари (3,9%) даволанишда бўлган. Бинобарин, жароҳатланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тиббиёт муассасалари шарт-шароити ва мутахассислар малакасидан келиб чиққан ҳолда кўрсатилган. Жароҳатланган беморларнинг касалхоналарда бўлиш муддати 1 соатдан 16 кунгача бўлган.

Тадқиқотда клиник, клиник-лабораторик, морфологик, суд-гистологик, тавсифий, қиёсий ва статистик усуллардан фойдаланилди. Тиббий ҳужжатлар ва СТЭ хулосалари маълумотларини сифат ва миқдорий баҳолаш Э.А.Лялина (2010) услубийга асосланган ҳолда балл тизими бўйича амалга оширилди. Ўзгарувчанлик статистикаси доирасида олинган кўрсаткичларнинг ишончлилик мезони – (t) , уларнинг минимал хатоси (m) ва кўрсаткичлардаги фарқлар ишончлилиги (P) аниқланди.

Диссертациянинг «**Кўшма жароҳатлар билан тиббий-профилактик муассасалардан келтирилган мурдалар суд-тиббий экспертизасининг натижалари**» деб номланган учинчи боби *3 кичик бўлимдан* иборат бўлиб, тадқиқотлар натижаларига бағишланган учинчи бобида қуйидаги маълумотлар келтирилган:

Охирги 10 йил давомида ўлим ҳолатларига доир ўтказилган СТЭлар натижалари шуни кўрсатдики, механик травмалар таркибида ҚЖ дан ўлим 35,2% ни ташкил қилади. ҚЖ таркибида бош (46,9 %) ва кўкрак қафаси-қорин ҳамда оёқ-қўллар тузилмалари шикастланиши - 32,2% устунлик қилади ($P \leq 0,005$). Ўлим ҳолатларининг 39 % тиббий муассасаларда қайд этилди.

Тиббиёт муассасаларида ҚЖлар оқибатида қайд этилган 434 та ўлим ҳолатида жабрланган шахслар танаси алоҳида қисмлари тузилмаларининг зарарланиши кўрсаткичлари маълумоти 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тиббий муассасаларида қўшма жароҳатлардан вафот этган шахсларда тананинг алоҳида қисмлари тузилмаларининг зарарланиш кўрсаткичлари

Тариб рақами	Тананинг алоҳида қисмлари жароҳатланишлари	Абс.	%
1	Бош ва унинг юз қисми (БЖИ) жароҳатлари	401	92,3%
2	Кўкрак қафаси ва кўкрак бўшлиғи органларининг жароҳатлари	288	66,3%
3	Қорин бўшлиғи органлари ва қоринпарда орти соҳа тузилмалари жароҳатлари	228	52,5%
4	Умуртқа ва орқа мия тузилмалари жароҳатлари	34	7,8%
5	Чаноқ суяги ва чаноқ бўшлиғи органларининг жароҳатлари	39	8,9%
6	Кўл-оёқ суяклари жароҳатлари	152	35,0%
	Улардан:		
	- кўллар	46	10,5%
	- оёқлар	102	23,5%
	- кўл-оёқлар жароҳатлари	4	0,92%

2-жадвалдан кўришиб турибдики, ҚЖ таркибида юз соҳаси тузилмаларининг шикастланиши билан бирга кечган ёпиқ ва очик БМЖ (92,3%) устунлик қилган, кейин-кўкрак (66,3%), қорин (52,5%) ва суякларнинг синишлари билан кечган кўл-оёқ (35,0%) жароҳатлари ташкил этган. 8,9% ҳолларда чаноқ бўшлиғининг тузилмалари ва органлари жароҳатланган бўлса, умуртқа-орқа мия тузилмалари шикастланиши 7,8% ни ташкил этган ($P \leq 0,003$). Ушбу маълумотлар ўн йиллик даврдаги материалларнинг таҳлили натижаларига деярлик мос келади.

ҚЖнинг табиати ва ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, тиббий муассасаларда жароҳатланган беморларга травматик касалликнинг турли вақтларида катетеризация, бирламчи жарроҳлик ишлови, трепанация, лапаротомия, торакоцентез, лапароцентез, остеоцентез, интубация, шунингдек, трахеостомия ва торакотомия муолажалари амалга оширилган. Асосий диагностик ва даволар жарроҳлик аралашувлари шикастланишнинг дастлабки даврида - 1-3 соатгача (38,5%), кейин - 4-8 соатдан (18,6%) ва 1-2 кунгача (9,9%) амалга оширилган ($P \leq 0,001$). Катетеризация, интубация ва трахеостомия муолажалари эса травманинг эрта ва кечки даврларида ҳам бажарилиб борилган. Таъкидлаш жоизки, СТЭ жараёнида, суд ва тергов органларининг сўровларига мувофиқ экспертлар асосий эътибори ўлимнинг асосий сабабини аниқлашга қаратилган. Бироқ, бунда диагностика, даволаш муолажалари табиати ва асоратлари, шунингдек, тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлар ва травматик касалликнинг танатогенезига таъсир этувчи бошқа омиллар тўлиқ ҳисобга олинмаган. Бундан ташқари, СТЭ жараёнида жароҳатлар билан боғлиқ ўлимнинг бевосита сабаблари аксарият ҳолларда

асосланмай қолган ва хулосаларда ўлим сабаби полиорган етишмовчилик ёки қон йўқотиш ва шок билан асоратланган қўшма жароҳатлар деб кўрсатилган.

Тадқиқот жарёнида архив материалларининг чуқурлаштирилган суд-гистологик текшируви, ҚЖда ўлимнинг бевосита сабаблари, орган ва тўқималарда ўзгаришларни аниқлаш, бош мия, ички аъзоларда камқонлик белгилари, нейронларнинг чуқур зарарланиши, бош мия шиши ва буқиши, ҳамда бош мия ва ўпкада ёғли эмболиялар кузатилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Э. 41 ёш. Жароҳатдан 3-кундан кейин ўлим. Чанок суяги, сон ва болдир суяклари синиши. Рангли Судан-111, 10x40. Бош мия. Цилиндр шаклида капиллярларда ёғ эмболияси. Ўлим бевосита сабаби-бош мия ёғли эмболияси

«Тиббий хужжатларни юритиш ва ҚЖ билан жароҳатланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлар» деб номланган бўлимда тиббий муассасаларда ҚЖ билан даволанган 101 нафар беморга нисбатан тиббий баёнлар таҳлиллари ёритилган. Қайд этилган баёнларда беморларнинг танасидаги жароҳатларнинг тавсифи умумий қабул қилинган тиббий мезонлар талабига жавоб бермади. Диагностик ва даволаш жарроҳлик аралашувлар тўғрисидаги маълумотлар, аксарият ҳолларда, уларнинг стандартларига мувофиқлигини баҳолаш учун тўлиқ етарли бўлмади, бу эса ўз навбатида тиббий ёрдамдаги нуқсонларни таҳлил қилишда жиддий қийинчиликларга олиб келди. Клиник ташхислар кўпинча тўлиқ эмас, баъзи ҳолларда эса асоссиз ҳам қўйилган. Фақатгина наркоз ва интубация усуллари тўғрисидаги маълумотлар нисбатан маълумотли бўлиб чиқди ($P \leq 0,003$).

ҚЖ билан жароҳатланган беморларда ташхис қўйиш ва тиббий ёрдам кўрсатишаги нуқсонлар (ТЁН) ўлим ҳолатларига доир СТЭ хулосалари

хамда ҚЖ билан тиббий муассасаларда бўлган шахслар ўлими бўйича ўтказилган 57 та комиссия СТЭ хулосаси натижаларини таҳлил қилиш орқали ўрганилди. Комиссия СТЭ нинг кўрсатилган сони тиббий муассасаларида ҚЖдан вафот этган шахслар (434) ўлим ҳолати 13,3% ни ташкил этди.

Таъкидлаш лозимки, ҚЖларда ТЁН одатда жароҳатларнинг оғирлиги туфайли эътибордан четда қолади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ҚЖнинг эрта даврда (1-3 кун) энг кўп ҳолларда диагностик нуқсонларга йўл қўйилган, яъни мавжуд жароҳатларнинг бутун мажмуаси ва уларнинг асоратлари ўз вақтида аниқланмайди (18%) ёки ташхис нотўғри қўйилади ва шунинг учун даволаш ноўринли ёки етарли даражада бажарилмайди (12%).

ҚЖнинг кейинги давларида, кўпинча беморнинг аҳволи етарлича баҳоланмайди ва нотўғри даволаниш ўтказилиши шунингдек, малакали мутахассисларнинг ўз вақтида ёки умуман маслаҳатга чақирилмаслиги (17 29%), баъзи ҳолларда эса асосиз даво бўлиши ҳам қайд этилди (2) 3,5%). Шу билан бир қаторда, беморни асосиз равишда бошқа тиббиёт муассасаларига ўтказиш, ёки ўз вақтида ихтисослаштирилган муассасага ўтказмаслик ҳолатлари ҳам кузатилди. Бундан ташқари, беморда ҚЖлар билан бирга келадиган патологик ҳолатлар ва уларнинг асоратлари мавжудлигига етарлича эътибор берилмаган. Ушбу ҳолатлар шикастланишнинг салбий оқибатлари юзага келишига сезиларли таъсир кўрсатган, баъзи ҳолларда эса улар беморлар ўлимнинг асосий омили ҳам бўлган ($P \leq 0,005$). Айтиб ўтилган ТЁН ҳолатларининг аксарияти тиббий ходимларнинг касбий мажбуриятлари билан бевосита боғлиқ бўлган субъектив сабабларнинг натижасидир - беморнинг аҳволига эътибор бермаслик, зарур текширувларни ўтказмаслик ёки кечиктириш, малакасизлик ва бошқалар. Камдан-кам ҳолларда беморнинг тиббий ёрдамга кеч мурожаат қилиши, тўлиқ текшириш учун етарли шарт-шароит йўқлиги ва бошқа объектив сабаблар аниқланди.

Шу нуқтаи назардан, тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлар тафсилотлари ва сабабларини мунтазам ўрганиш ва таҳлил қилиш тиббий ёрдам кўрсатишда тиббиёт ходимларининг касбий фаолиятига масъулият билан ёндашиш ва тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш учун асос бўлишини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Тиббиёт муассасаларида қўшма травмадан вафот этган шахсларнинг мурдаларини суд-тиббий экспертизадан ўтказиш ҳолати» деб номланган бўлимда 178 та ҳолат мисолида ҚЖ билан тиббий муассасалардан келтирилган мурдалар СТЭ хулосаларининг маълумотлилиги даражаси ва асослилигининг сифат ва миқдорий таҳлили ўтказилди. Натижалар шуни кўрсатдики, суд-тиббиёт экспертлари томонидан марҳумлар жасадларини текшириш жараёнида ҳар доим ҳам органлар ва тўқималарнинг ҳолатини тўлиқ ўрганиш орқали ўлим сабабларини ва танатогенезни асослаш амалга оширилмайди. Хулоса баённомаларига кўра, органлар ва тўқималарнинг тузилмаларининг

жарорхатларини ҳар томонлама ўрганиш учун махсус усуллардан фойдаланилмайди. Суд-гистологик ва бошқа қўшимча диагностик текширувлар мақсадли равишда ўтказилмайди. Реанимация ва инфузион терапия ҳамда жарроҳлик аралашувлар натижасида юзага келган ўзгаришлар юзаки тасвирланади. Диагностика, реанимация ва даволаш муолажалари асоратларининг травматик касалликнинг кечиши ва оқибатига таъсири жиҳатлари етарлича ҳисобга олинмайди. Қўшма шикастланиш танатогенезини босқичма-босқич асослаш акс эттирилмайди. Буларнинг барчаси кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш жараёнида сезиларли қийинчиликларга олиб келди ($P \leq 0,005$). Тиббиёт муассасаларида ҚЖнинг ўлимга олиб келадиган натижаларида суд-гистологик текширувлар (38,5%) ва тиббий криминалистик текширувлар (1,0%) фойдаланишлиги шикастланишнинг механизми ва танатогенезини тўлиқ асослашга имкон бермайди, аъзолар ва тўқималарнинг агонал шикастланишини, ҳаётий травмадан фарқлашга шароит яратмайди.

Диссертациянинг «**Тиббиёт муассасасидан келтирилган қўшма шикастланишлар билан мурдалар суд-тиббий экспертизадан ўтказиш хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи боби 2 кичик бўлимдан иборат бўлиб, унинг «*Қўшма жароҳат олган беморларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш шароитида реанимация, жарроҳлик аралашувлари ва интензив терапиянинг асоратлари номли бўлимида* турли хилдаги бахтсиз ҳодисалар ва кататравмлар сонининг кўпайиши билан боғлиқ ҚЖлар сонининг барқарор ўсиши шароитида ҚЖ билан касалланган беморларни эрта ташхислашнинг самарали усуллари ва даволаш тамойиллари ишлаб чиқиладиганлиги, жарроҳлик аралашувлари билан боғлиқ ятроген шикастлар миқдорининг ошишига ҳам олиб келадиганлиги таъкидланган.

Дори-дармонларни ва инфузион воситаларни қон томир бушлиғи орқали киритиш беморнинг муҳим органлари ва тизимларнинг ҳолатини тартибга солиш имконини беради. Ушбу мақсадлар учун ички катетер кўпинча умров ости, тирсак ва сон вена томирларга ўрнатилади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, диагностик ва даволаш жарроҳлик аралашувларнинг аксарияти аъзолар ва тўқималарнинг маълум бир ятроген шикастланишлари билан кечган, уларнинг оқибатлари баъзи ҳолларда травматик касалликнинг кечиши ва натижасига сезиларли кўрсатадиган оғир асоратларга олиб келган.

Органлар ва тўқималарнинг энг кўп шикастланиши ва асоратлари қуйидаги муолажалар билан боғлиқ бўлган: катетеризация-юмшоқ тўқималарнинг шикастланиши (62,7%), девор плевра варағи, қовурғалараро томирлар (15,2%), ички аъзолар (22,0%), лимфа йўллари шикасти (1,6%), уларнинг натижасида 11,8% ҳолларда яллиғланиш ва йирингли асоратларга олиб келган; интубациялар пайтида-шиллик қаватнинг шикастланиши (8,3%); трепанациялар пайтида-ҚМП чоклари орасидаги мия қисилиши (15,3%), гематомалар соҳасидаги мия тўқималарининг лизиси (11,1%);

фрезалаш тешиклари ўрнатилишида пардалар ва мия тўқимасининг шикастланиши (20%); торакоцентез жароёнида қовурғалараро мушаклар ва томирларнинг шикастланиши (17,3%) плевра бўшлиғига қон кетиши кўринишдаги асоратланиши билан (9,6); лапаротомияда-қорин бўшлиғига қон кетиш билан асоратлашган ички аъзолар томирларининг шикастланиши (1,7%); остеосинтезда-тери ва юмшоқ тўқималарнинг шикастланиши (4,1%), суяк некрози билан асоратланиши (4,1%); яраларнинг бирламчи жаррохлик даволашда тери, юмшоқ тўқималарнинг ва қон томирларнинг жароҳатланиши (11,1%) юмшоқ тўқималар некрозининг ривожланиши (3,4%).

ҚЖлар билан касалхонада даволанишда бўлган беморлар ўлими бўйича СТЭ вазифалари учун БМЖларида нейрохирургик аралашувларни амалга ошириш жароёнида операция техникасининг бузилиши билан боғлиқ асоратларни таҳлил қилиш муҳимдир [Лебедев В.В., Ткачев В.В., 1999]. Кузатувларимизда беморларда 92,3% ҳолларда бош мия тузилмаларининг шикастланиши қайд этилганлигини ҳисобга олиб, резекцион декомпрессион трепанация қилинган 29 нафар беморда нейрохирургик аралашувлар натижаларини батафсил таҳлил қилдик.

